



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИ

Холбой ИБРАИМОВ

педагогика фанлари
доктори, академик



НИ-ТЕСН ТАРБИЯ – ИНСОН КАПИТАЛИНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Муҳаммад ҚУРОНОВ
педагогика фанлари доктори,
профессор



Абдуҳалим МАҲМУДОВ
педагогика фанлари доктори,
профессор



2.Хай тек тарбия – глобал педагогик эҳтиёж.



“Бугунги асосий масала – иқтисодий негизи инқилобий ғоялар, замонавий технологиялар ва янги бизнес моделларига асосланган келажак қуриш учун олиб боришимиз керак бўлган инновацион сиёсатдир .

Супермен, “Аъло одам”, Комил инсон, тушунчалари дунёнинг турли қитъаларидан пайдо бўлди. Барча халқларнинг эртақ, дostonлар педагогикаси буни тасдиқлайди. Уларнинг тили ҳар хил, ғоялари бир бирига ўхшаш.



Конвергенция - ўхшаш нарсалар синтези. Конвергент ёндошув тарбияга нима беради? Биз тарбия назарияси ва методикасидаги ўшашлик ва фарқларнинг динамикасини кузатамиз. Динамикани “кечаги динамика”, “бугунги динамика” ва “эртанги динамика”га бўлиб ўрганамиз. Уларнинг синтези умуминсоний тарбиявий идеал ва унинг компетенцияларига олиб келади.



3. Тарбия приоритети – хулқни лойиҳалашга ўргатиш

Таълим натижаси илм (Нима қилиш керак?). Тарбия натижаси – хулқ (“Қандай қилиш керак?”). Ўргатилган компетенцияларнинг хулқдаги репрезентацияси, конвертацияси.

Ҳар бир хулқ модели бир неча қисм-операция(қилиқ)лар алгоритмидан иборат бўлади. Шу маънода ҳар бир одам, ўқувчи ўз хулқининг операторидир.



4. Тарбиянинг унутилган қоидаси

Барча халқлар миллий тарбияси тарихида (“100 марта эшит(тир)гандан кўра 1 марта кўр(сат)ган афзал”) кўрсатиб тарбиялаш принципи устун бўлган. Кейинчалик мактабларда бунга шароит бўлмагани учун тушунтириб(оғзаки) тарбиялаш(таълимнинг ўзи тарбиялайди) жорий қилинди. Мактаб ўқиш, ёзиш, санашни ўргатувчи жойга айлантирилди.



Тарбия приоритетда бўлганида таълим ўз-ўзидан яхши бўлган. Чунки тарбия ўқувчиларда ўқишга мотивацияни мустаҳкам қилиб турган. “Аввал таълим, кейин тарбия”, “ҳам таълим, ҳам тарбия” ёндошувлари ана шу мотивацияни йўқ қилди. Аввал тарбия, кейин таълим ҳозир япон мактабларида амалда.





5. Европа ва Осиё хулқ моделлари



Европа хулқи постмодерн жамият одамининг технологик йўналтирилган хулқи: (ишонтирилган, мақсадли, мувофиқлашган, ақл асосига қурилган, аниқ ўлчамли, операционал, ўз муаммосини ҳал қилинишида ўз кучига ишонган, шахсни ҳаётга махсус компетенциялар асосида тайёрлашга йўналтирилган, ўргатилган) хулқ эканлиги аниқлашади.

Осиё хулқи анъанавий, жамоавий одамининг хулқи: инонтириш, стереотип, урф-одатлар таъсирида қурилган, ижтимоий мувофиқлаштирилувчи(одамлар нима дейди?! феномени), ўз муаммосининг ҳал қилинишида жамоа, маҳалла, қариндош-уруғлар, бошқаларнинг муносабати, меҳр-оқибати ва ёрдамидан умидвор, уларга имплицит ишонган, ташқи таъсирлар натижасида ўзгарувчан хулқ эканлиги кўринади.



6. Хулқ ва хай тек хулқ



Хулқ бу — мақсаддан натижага эришиш учун катта ва кичик моторикалар асосида бажариладиган операциялар кетма кетлигидир. Бунда хулқ машина ҳайдаш, соқол олиш, савдо қилиш, меҳмон кутиш, бир муаммони ҳал қилиш, касал кўргани бориш, дам олиш, лайфхак, дуо қилиш ва бошқаларда кўринади. Демак, ҳар куни биз юзлаб хулқларни бажарамиз.

Хай тек хулқ бу — мақсаддан натижага эришишнинг юксак технологик операциялар асосида дастурлаштирилган операцияларнинг оптимал навигациясидир. Шу маънода хай тек бу хулқ навигациясининг принциpidир. Хай тек хулқ бу — ҳар бир операцияни илмий асосда, тез, соз, арзон, идеал бажариш тадбиркорлиги, демакдир.



7. Ғиждувоний “учлиги” -

“Ҳар тоате ва ибодатеки, айларсиз –
унинг илмидан воқиф бўлинг.

Иккинчиси – ҳар илмники ўрганибсиз,
унга амал қилинг. Учинчиси – ҳар
амалники, этгайсиз, сидқу ихлос билан
адо айланг.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний

Ўз хулқини рефлексия қилиш ва илмий асосда бошқариш одамни муваффақиятли қилади.

Абдухолиқ Ғиждувонийнинг XIII асрда яратган “Ғиждувоний учлиги”. Ана шунда билим овқатланишда ҳам, машина ҳайдашда ҳам, даволанишда ҳам, бола тарбиялашда ҳам, андронидни ишлатишда ҳам, эътиқодда ҳам, фермерликда ҳам – ҳар бир ишнинг муваффақият кафолати бўлиб чиқаверади.

Демак, одамнинг муваффақиятсизлигига 3 сабаб: 1) қилаётган ишининг илмий асосларини билмаслик; 2) илмий асосларга амал қилмаслик; 3) ишда сусткашлик, юзакичилик экан.



8. Хай тек бола ва хай тек педагогика

Педагогика конвергент замонда яшайдиган, ишлайдиган, ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳам иқтисодий бой шахсни тарбиялаш Концепциясини ишлаб чиқиши лозим. Акс ҳолда, педагогика тараққиётдан орқада қолади. Ўз вазифасини бажара олмайдиган педагогика фан сифатида ўлиши мумкин. Шунинг учун конвергент технологиялар замонида яшайдиган супермен, суперболалар, суперқиз, суперўғил, суперходим, суперкелинларнинг роль-моделли ДКларини ишлаб чиқиш керак. Бунда конвергенциянинг вертикал ва горизонтал векторлари синтезидан келиб чиқиш керак.

Ҳаётда, ишлаб чиқариш, турмушда жўшқин технологизация давом этмоқда. Ким технологиялашмаса, ёки секин технологиялашса, ҳаёт темпидан, ҳаётдан орқада қолади. У омадсиз, камбағал бўлади.





9. “Педагогик коучинг” хизмати



Ўзбекистон мактабларида тарбиянинг аҳамияти юксаклигидан келиб чиқиб, 14,5 минг нафар “Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари” штатлари жорий қилинди. Бу эса тарбия ишини имкони борича индивидуаллаштириш, лоақал гуруҳлар даражасида олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун мактабларда “Устод”(коуч) фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

Устод(коуч) ҳар бир ўқувчи учун муайян муддатга мўлжалланган “6 синф ўқувчиси Тўлқinov Собирнинг драйвер компетенцияларини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқади. Дастур ота-она ва устод томонидан тасдиқланади. Дастур тармоқ-жадвал, ёки ин брайн принципи асосида ишлайди. Шартнома юридик расмийлаштирилади. Ҳар чоракда режадаги индикаторларга эришганлик даражаси текшириб, баҳолаб, назорат қилиб борилади.



10.Муваффақиятли одамларнинг ДК комбинацияси

Ҳозирги кунда “муваффақиятли одамлар”га хос қуйидаги компетенциялар эътироф этилмоқда:

- 1– иродалилиқ, азми қарори қатъийлик;
- 2 – шижоатлилиқ;
- 3– мардлиқ;
- 4– вақтни қадрлаш, реалистик баҳолаш, эртани ўйлаш;
- 5– ҳаётий вазият ва мақсадларни “керак/керак эмас”, “оқ-қора»га бўлиш; 6 – харизма, лидерлик. Одамларни ғояга ишонтириш, эргаштириш, етакчилиқ;
- 7 – таваккал қила олиш;
- 8 – тадбиркорлик, масъулиятлилиқ.
- 9– бойлиқка рационал муносабатда бўлиш, ружу қўймаслик, пулни ривожланиш воситаси, деб билиш;
- 10 – камтарлик, демократизм,
- 11 – ҳушёр, вазият, шароитга тез мослашувчанлик.



11. Боланинг драйвер-компетенцияларини қандай аниқлаш мумкин?

Одамларга хос ижобий ва салбий сифат, одатлар рўйхати тузилади. Рўйхатдан танлаб, белгиланади. Бунда “Ўғил/қизингизда қуйидаги фазилат ва сифатлардан қайсилари кучли ва кўп такрорланади?”, деган савол орфали жавоб қидирилади. Бу нега муҳим? Чунки ана шунда ўғил/қизлардаги энг кўп қўлланилганидан сайқал топган, пишган, синаб кўрилган ва шу сабабли тез тез қўллаш эҳтиёжга айланган компетенциялар маълум бўлади, юзага чиқади.

Ундан кейин “билим” — компетенция — вазият — муваффақиятли ечим, натижа (ўқув ёки иқтисодий, ҳаётий) алгоритмида Хай тек тренинглари ўтказилади



12. Ҳар бир боладаги +5ДК ва -5ДК комбинациялар



“Фалончининг характери қандай?”, деган саволга бериладиган жавоблар ичида энг кўп такрорланган компетенция ўша шахснинг драйвер-доминатор компетенцияси, дейиш мумкин. Ҳар бир одамда ўртача 5та антидрайвер-компетенция бор. Улар 5 ДКнинг антиподлари, ёки алоҳида мавжуд бўлиши мумкин. Улар салбий томонга ривожланган. Уларни ҳам минус белгиси остида пастга қараб аниқлаш мумкин.



Ундан кейин “билим” — компетенция — вазият — муваффақиятли ечим, натижа (ўқув ёки иқтисодий, ҳаётий) алгоритмида Хай тек тренинглари ўтказилади.



11. Боланинг драйвер-компетенцияларини қандай аниқлаш мумкин?

Одамларга хос ижобий ва салбий сифат, одатлар рўйхати тузилади. Рўйхатдан танлаб, белгиланади. Бунда “Ўғил/қизингизда қуйидаги фазилат ва сифатлардан қайсилари кучли ва кўп такрорланади?”, деган савол орфали жавоб қидирилади. Бу нега муҳим? Чунки ана шунда ўғил/қизлардаги энг кўп қўлланилганидан сайқал топган, пишган, синаб кўрилган ва шу сабабли тез тез қўллаш эҳтиёжга айланган компетенциялар маълум бўлади, юзага чиқади.

Ундан кейин “билим” — компетенция — вазият — муваффақиятли ечим, натижа (ўқув ёки иқтисодий, ҳаётий) алгоритмида Хай тек тренинглар ўтказилади. Одамдаги ДК доим ўзаро ҳамкор бўлади. Улар бир бирларини қўллаб қувватлашади. Кўп қўлланилавергач, улар автомат даражада намоён бўлишади. Мана шу +5ДК ва -5ДК комбинациялари одамнинг характерини белгилайди. Бошқалардан фарқини кўрсатиб, танитиб туради. Демак, ДК комбинациясидаги фарқлар одамлар хулқ моделларидаги фарқларни белгилайди.



13. Хай тек тарбия бу – дедукция

Биз ҳар куни юзлаб хулқни бажарамиз. Лекин уларни автоматик, ўйламай бажарамиз. Шунинг учун сезмаймиз. Ваҳоланки, мана шу автоматик(стереотип) хулқларни англанган хулқларга айлантирсак, хулқ самарадорлиги ошиб кетади.

Анъанавий тарбия хулққа индуктив(назариядан-амалиётга, номаълумдан маълумга тамойили асосида) ёндошади. Хай тек тарбия эса хулққа дедуктив(амалиётдан-назарияга, маълумдан номаълумга тамойили асосида) ёндошади.



14. ДКлар ансамбли

Ҳеч бир ДК якка ҳолда эгасига муваффақият келтира олмайди. У қолган 4 ДК билан ва уларнинг ҳамкорлигида, бирга, ансамблда самарали бўлади. Масалан, Шохруҳнинг доминант ДКси – меҳнатсеварлик. Бироқ унда иродалилиқ етишмайди. У меҳнатни ғайрат билан бошлайди, лекин тезда тўхтаб қолади.

Фақат ироданинг ўзи ҳам етарли эмас. ирода бўлсаю, меҳнатсеварлик бўлмаса, бу ҳам натижа бермайди. Чунки бунда Шохруҳ қилинадиган иш тўғрисида ғайрат билан гапиради, лекин ишга қолганда оқсайди. Агар тадбиркорлик компетенцияси бўлмаса, Шохруҳ иродасини ишга солиб, ғайрат билан ишлайди. Лекин қанча ишламасин, унда тадбиркорлик бўлмаса, у мулкдор бўла олмайди.



15. Хай тек тарбия ва ёшларга касб ўргатиш.

Профориентация ҳар бир ўғил-қиздаги 5 ДКдан келиб чиқади. Бу экзистенциал компетенцияларни ўргатиш муддатини қисқартади. Ўқувчиларнинг таълимга қизиқишини оширади. Ҳар бир ўғил-қиз ўз драйвер компетенцияларидан келиб чиқиб, севимли касб(лар)ини тез ва эрта танлаб олади. 18 ёшда касб-компетенцияларини монетизациялаш тажрибаси билан мактабдан чиқиб кетади.

Ўзбекистоннинг 18 ёшли йигит-қизларига мустақил ҳаётга тайёрлик сертификати берилади. Сертификатда муваффақиятга эришишга қодирлик даражаси ҳам кўрсатилади. Улар маҳалла, ота она, қариндош, ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмайдилар.

Ўз бахтини мактабда сайқал берилган, ҳаётда, витаген тажрибаларида такомилга етган ўз ДКлари билан қурадилар.




15. Хай тек тарбия ва ёшларга касб ўргатиш.

Профориентация ҳар бир ўғил-қиздаги 5 ДКдан келиб чиқади. Бу экзистенциал компетенцияларни ўргатиш муддатини қисқартади. Ўқувчиларнинг таълимга қизиқишини оширади. Ҳар бир ўғил-қиз ўз драйвер компетенцияларидан келиб чиқиб, севимли касб(лар)ини тез ва эрта танлаб олади. 18 ёшда касб-компетенцияларини монетизациялаш тажрибаси билан мактабдан чиқиб кетади.

Ўзбекистоннинг 18 ёшли йигит-қизларига мустақил ҳаётга тайёрлик сертификати берилади. Сертификатда муваффақиятга эришишга қодирлик даражаси ҳам кўрсатилади. Улар маҳалла, ота она, қариндош, ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмайдилар.

Ўз бахтини мактабда сайқал берилган, ҳаётда, витаген тажрибаларида такомилга етган ўз ДКлари билан қурадилар.





16.Биз Ер юзидаги ҳар бир боланинг муваффақиятли шахс бўлсин, десак:

Бунинг учун конвергенция асосида Ўзбекистон ёшларини муваффақиятли шахслар қилиб тарбиялашнинг хай тек тарбия технологиясини ишлаб чиқиш керак.

Дунё ва Ўзбекистоннинг юксак муваффақиятларга эришган шахслари ранжир-рўйхатини, уларнинг таянч, базавий ДКларининг рўйхатини тузиш керак.

Таянч ДКлар асосида “Муваффақиятли Ўзбекистонлик Модели”ни ишлаб чиқиш керак.

Модель асосида ўқувчиларда таянч ДКларининг ёшларига мос 4 босқичли дифференциал мезонларини ишлаб чиқиш керак:

1-босқич. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда

2-босқич. I-IV синф ўқувчиларида.

3-босқич. V-VIII синф ўқувчиларида.

4-босқич. IX-XI синф ўқувчиларида.

Ижрочилар учун ўқув-методик пакетни ишлаб чиқиш керак.



Мамлакатнинг турли ҳудудларида Хай тек тарбия самарадорлигини ўрганиш бўйича тажриба синовлар ўтказиш керак.

“Тарбия” дарсларини умумий(таянч) ва индивидуал ДКларни ривожлантиришга қаратилиши керак.

Қўлига паспорт олган куни Ўзбекистонлик ўғил-қиз тарбиянинг объектидан тарбиянинг субъектига айланади. Чунки у бир умр ўзини ўзи рефлексия қилиб, тарбиялаб яшашга ўргатилган бўлади.

A conceptual illustration featuring six dark blue silhouettes of people's heads and shoulders at the bottom. Each silhouette has a light blue circle on its forehead, acting as a node in a network. A complex web of thin blue lines connects these nodes and extends upwards to a variety of colorful icons. The icons represent different aspects of technology and communication, including a smartphone, a laptop, a lightbulb, gears, a magnifying glass, a pie chart, a bar chart, a speech bubble, a hand cursor, a document, a mail icon, a globe, a cloud, a play button, a key, a pencil, a paper plane, and a person in a suit. The background is white, making the blue silhouettes and multi-colored icons stand out.